1 0 0 5 9 8




Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 23 апрель пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 82 (1863)


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*Қ А Р О Р И*

## ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдаги ролини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И:**

1. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг (бундан кейин Уюшма деб аталади):

Уюшма ва унинг ижро этувчи аппарати ташкилий тузилмаси тўғрисидаги таклифи;

Уюшманинг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари тегишли ҳудудий ҳамда туман уюшмалари негизида ташкил этиладиган вилоят ва туман вакилликлари ижро этувчи аппаратларининг ташкилий тузилмаси тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Уюшма ва унинг ҳудудий вакилликлари деҳқон ва фермер хўжаликларини бирлаштирадилар, давлат ташкилотларида ва бошқа ташкилотларда уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар ва ифодалайдилар, ўз фаолиятларини уставларга мувофиқ, тўлиқ хўжалик ҳисоб-китоби принципларида ташкил этадилар;

Уюшманинг ўз аъзолари билан ўзаро ҳуқуқий муносабатлари уларнинг уставлари ҳамда хўжаликлар томонидан Уюшманинг туман вакилликлари билан тузиладиган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ томонларнинг ўзаро жавобгарлигини ва манфаатларини назарда тутувчи шартномалар асосида амалга оширилади;

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси ва унинг ўринбосарлари съезд томонидан сайланадилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тасдиқланадилар ҳамда мақоми, маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра Уюшма раиси — вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари — вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосари — вазир ўринбосарига тенглаштириладилар;

Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг директори лавозимига кўра Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раисининг ўринбосари ҳисобланади;

ҳудудий вакилликлар раҳбарлари тегишли ҳокимликлар билан келишилган ҳолда Уюшма раиси томонидан тайинланадилар.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан тузилган барча шартнома ва мажбуриятлар бўйича, Уюшманинг ҳудудий вакилликлари эса — тегишли равишда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари туман ва ҳудудий уюшмаларининг шартномалар ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланадилар;

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда унинг ҳудудий вакилликлари ижро этувчи аппаратларини маблағ билан таъминлаш улар томонидан таъсис этилган, деҳқон, фермер хўжаликларига ва якка тартибда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятидан олинадиган даромадларнинг бир қисми, шунингдек Уюшма аъзоларининг ишлаб чиқариш фаолиятидан ихтиёрий ажратмалар, аъзолик бадаллари ҳамда амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

4. Қуйидагилар Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

деҳқон ва фермер хўжаликларининг республика қонунчилиги билан уларга берилган ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти, уларни ташкил этиш ва тугатиш мониторингини юритиш;

деҳқон ва фермер хўжаликларида ерлардан самарали фойдаланилишини мунтазам ўрганиш, ер участкаларини қўшимча равишда ажратиш ёки қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйиш тўғрисида тегишли ҳокимликларга таклифлар киритиш;

майда ва ўрта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни шартнома асосида уруғликлар, ўғитлар, кўчатлар, наслдор моллар ва бошқа ресурслар билан таъминлашга, уларга ишлаб чиқариш — технология, транспорт, юридик, ахборот, маркетинг хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатилишига кўмаклашиш;

деҳқон ва фермер хўжаликларига улар етиштирган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш;

деҳқон ва фермер хўжаликларига уларнинг кредитлар, шу жумладан хорижий кредитлар олишида ва уларни ўзлаштиришида маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш.

5. Уюшмага қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

янгидан ташкил этилаётган ва тугатилаётган фермер хўжаликларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек уларга қўшимча ер участкалари ажратиш ёки уларни олиб қўйиш учун ўзининг туман вакилликлари орқали тавсияномалар бериш;

туман статистика органларидан деҳқон ва фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисида ҳисоботлар олиш ҳамда уларни ўрганиб чиққандан кейин қўшимча ер участкалари ажратиш (буюртманомалар мавжуд бўлганда) ёки уларни олиб қўйиш тўғрисида туман ҳокимликларига таклифлар киритиш.

6. Уюшмага деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасида ташкилий ишлар олиб бориш ҳамда улар томонидан техникага биргаликда эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, сотиш ва экспорт қилиш, моддий-техникавий таъминлаш, омихта озуқа ишлаб чиқариш бўйича фермерлар, деҳқонлар ва бошқа шахсларнинг нақд пул маблағларидан тижорат асосларида, шунингдек банк кредитларидан фойдаланган ҳолда ихтиёрий асосда ихтисослаштирилган кооперативлар ташкил қилишда зарур ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

7. Қуйидагиларга:

деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан ташкил этилаётган кооперативларга, етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш саноати корхоналарига сотиш юзасидан, тажриба тариқасида, улар номидан шартномалар тузишга;

Уюшма аъзоларига мустақил равишда ёки улар томонидан ташкил этиладиган тайёрлов кооперативлари орқали мева-сабзавот маҳсулотларини ҳамда уларни қайта ишлаб олинган маҳсулотларни, валюта тушумининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига сотмасдан, бартер асосида экспорт қилишга рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини ва уларни қайта ишлаб олинган маҳсулотларни республикадан четга чиқариш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон банклари уюшмасига кейинчалик деҳқон ва фермер хўжаликларига Ўзбекистон ваколатли банклари орқали микро ва кичик кредитлар бериш учун Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг 40 миллион АҚШ долларигача миқдордаги қўшимча ўрта муддатли кредит линиясини очиш юзасидан икки ой муддатда таклифлар киритиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” компанияси, “Ўздавпахтасаноатсотиш” уюшмаси, “Ўздонмаҳсулот” корпорацияси, “Ўздавнефтмаҳсулот” бирлашмаси, “Ўзкимёсаноат” уюшмаси, “Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш” давлат-кооператив қўмитаси, “Ёғмойтамакисаноат” уюшмаси ва бошқа манфаатдор идоралар ва ташкилотлар Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда деҳқон ва фермер хўжаликларини, уларнинг кооперативларини зарур қишлоқ хўжалиги техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, уруғликлар, кўчатлар, зотли моллар, ем-хашак ва бошқа моддий ресурслар билан янада тўлароқ ва ўз вақтида таъминлаш, шунингдек уларга хизматлар кўрсатиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари деҳқон ва фермер хўжаликларига уларнинг ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашсинлар. Маҳаллий ҳокимият органларининг деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмасин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

а) Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини бажаришни ташкил этиш масалалари ҳақида” 1997 йил 28 апрелдаги 215-сон қарорининг барча матнидаги “Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси” сўзлари “Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Вазирлар Маҳкамасининг “Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги Низомни ҳамда унинг маблағларини жамғариш ва улардан фойдаланиш Тартибини тасдиқлаш ҳақида” 1997 йил 25 октябрдаги 486-сон қарорида:

қарор ва қарорга иловалар матнларидаги “Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси” сўзлари “Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида Низом”нинг III бўлими қуйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

“хорижий микрокредитлар олиш шарт-шароитларини таъминлаш учун уларнинг гаровга қўйиладиган мол-мулки етишмаган тақдирда деҳқон ва фермер хўжаликлари устав жамғармаларини шакллантиришга улуш қўшиш”;

в) Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ савдосида мулкчилик муносабатларини, бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва монополиядан чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида” 1998 йил 24 мартдаги 125-сон қарорида 1-банднинг охирги хат боши чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 1997 йил 15 апрелдаги 192-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Оммавий ахборот воситалари жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги фермерлик ҳаракати тажрибасини ёритсинлар, республиканинг энг яхши хўжаликлари эришган натижаларни мунтазам кўрсатиб борсинлар, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни очиб берсинлар.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 22 апрель.



«Ўзбекистон» локомотив депоси жамоаси кейинги йилларда фаолиятини кучайтирди. Ҳозир электровозлар учун эҳтиёт қисмларнинг аксарияти депонинг ўзида тайёрланмоқда. Ана шу мақсадда 15 дан ортиқ корхона билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Корхонада созлаш ишлари яхшилангани боис, электровозларда юк ташиш анча кўпайди.

**СУРАТЛАРДА: ишчи Асқар Асхўжаевни депода танимайдиган киши йўқ; таъмирдан чиққан электровозлар.**

**Тўлқин КАРИМОВ олган суратлар.**




## «ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА»

**Ливаннинг «Ориент пресс» ахборот агентлиги яқинда ўз воситалари орқали Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига ёзилган тақризни оммавий ахборот воситаларига тарқатди. «Ал-Иттиҳад» газетаси (Бирлашган Араб Амирликлари) уни «Ўзбекистон XXI асрга ҳозирланмоқда» сарлавҳаси билан чоп этди.**

Мақола муаллифи — «Ориент пресс» директори Али Жамолиддин Тоҳир — Ислом Каримовни сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашнинг энг мураккаб босқичида ўз халқига раҳнамолик қилаётган, демократик жараёнлар, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамияти қуришни жадаллаштираётган ўзига хос давлат раҳбари сифатида таърифлайди. Унинг ёзишича, моҳир сиёсатчи, малакали иқтисодчи ва реалист бўлган Ўзбекистон Президенти мамлакатнинг эркин бозор муносабатларига ўтишининг ўз йўлини ишлаб чиқди.

Президент Ислом Каримов асарининг араб тилида нашр этилиши ва унинг Яқин Шарқ мамлакатларида тарқатилиши катта аҳамият касб этади, чунки мазкур минтақа сайёрамизнинг энг беқарор минтақаларидан бири бўлиб қолмоқда, таъкидлайди Али Жамолиддин Тоҳир. Китобда қайд этилган минтақа ва дунё миқёсидаги хавфсизлик, тинчлик, барқарорликни таъминлаш муаммолари ниҳоятда долзарбдир. Муаллиф минтақавий можароларнинг юзага келиш сабабларини тадқиқ қилар экан, ҳар қандай можаро айрим олинган давлатнинг миллий чегаралари доирасида узоқ вақт қолмаслигига диққатни қаратади.

Китобда муаллиф томонидан кўтарилган инсонларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ муаммоларга А. Тоҳир алоҳида эътибор бериб ўтади, диннинг маънавий қимматини ва айрим кучларнинг диндан йироқ сиёсий ва бошқа мақсадлардаги интилишлари ўртасидаги фарқни англаш муҳимлигини таъкидлайди.

Ливанлик журналист Ўзбекистонда олиб борилаётган миллий сиёсат тамойилларига содиқликни кўрсатиб ўтади. Мамлакатда истиқомат қилаётган барча миллат ва халқлар, уларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналарига бўлган ҳурмат — ана ўша тамойиллар натижасидир. Уларнинг эркин ривожланиши учун барча шароитлар яратилган. Президентлик ҳокимияти янги ўзбек давлатчилигининг асоси бўлди, жамиятда барқарорликнинг қарор топишига ва мамлакатнинг ислоҳотлар йўлида собитқадам силжишига имконият яратди.

Мақола сўнггида муаллиф мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатишдаги тажрибаси, дунё ҳамжамиятида тутган муносиб ўрни, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан самарали ҳамкорлиги бу ерда демократик жамият муваффақиятли яратилаётганлигидан далолат беради, деб ёзади.

**Раҳимжон ҚОДИРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири,**
Қоҳира.

## ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ ПУХТА ТАШКИЛ ЭТИЛСИН

**Вазирлар Маҳкамасида теннис бўйича “Президент кубоги” учун бешинчи халқаро мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди.**

Мажлисни Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилот қўмитасининг раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Ўзбек теннисчиларининг йирик халқаро мусобақалардаги катта ютуқлари туфайли республикамиз Осиё минтақасида теннис соҳасида етакчи мамлакатга айланди. Ўзбекистон теннисчилари шу йил сентябрь ойида илк бор дунёдаги энг кучли 16 миллий команда иштирок этадиган жаҳон тоифасига чиқиш учун Австралия командаси билан куч синашади.

“Юнусобод” теннис спорт комплекси дунёдаги тўққизта энг яхши теннис саройлари қаторидан ўрин олган.

“Президент кубоги” учун халқаро турнир жаҳонга машҳур бўлди. Бу йилги бешинчи мусобақа ҳам катта ракетканинг таниқли усталари иштирокида юксак савияда ўтиши лозим.

Мажлисда “Юнусобод” спорт комплексини мусобақага тайёрлашга доир ташкилий масалалар кўриб чиқилди, мусобақани телевидение орқали ўнлаб хорижий мамлакатга намойиш этиш имкониятлари таҳлил қилинди.

Мажлисда, шунингдек, “Челленжер” эркаклар ва аёллар мусобақаларини юксак даражада ташкил этиш ва ўтказиш зарурлиги тўғрисида сўз юритилди ҳамда вилоятлардаги стадион ва теннис кортларининг ҳолати муҳокама қилинди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан республика Теннис федерацияси президенти, Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятов, Миллий банк бошқаруви раиси Рустам Азимов, “Ўзбексавдо” акциядорлик компанияси раиси Зафар Файзиев, Давлат спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шавкат Тўлаганов, швейцариялик бизнесмен Сассон Какшури ва бошқалар сўзга чиқди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев, Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этди.

**(ЎзА)**

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

## АНИҚЛИК КИРИТИЛСА

Айтиш жоизки, қишлоқда ислоҳотларни изчил ривожлантиришга доир қонун лойиҳаларининг айрим моддаларини бир қадар мукаммаллаштириш лозим. Масалан, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 8-моддасида хўжаликлар тасарруфидаги ва янги ўзлаштирилаётган майдонларда (чўл ҳудудларида) ерни ижарага олишда ким билан, қандай шартлар асосида ижара шартномаси тузилиши кераклиги аниқ ва батафсил кўрсатилмаган. Шунингдек, зарарга ишлаётган хўжаликлардаги кам ҳосилли ерларни ижарага бериш масалаларига ҳам бир қадар ойдинлик киритилса...

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 3-19-моддаларига ҳам тегишли таклифларимиз бор. Масалан, 3-моддада бажарилган ишнинг сифати ва миқдорига қараб ҳақ тўлаш, 19-моддада эса ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати ва миқдоридан келиб чиқиб, пировард натижага кўра меҳнатга ҳақ тўлаш назарда тутилади. Бироқ, бугун кўпчиликни яна бир масала қизиқтиряптики, бу ҳам бўлса қиш мавсуми даврида қишлоқ хўжалик кооперативи аъзоларининг оладиган маошлари ва уларга бериладиган аванслар услуби ҳам бўлажак қонунда ўз аксини топса. Шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби лойиҳадагидек иккита моддада эмас, балки умумлаштирилиб, битта моддада акс эттирилса.

Яна бир фикр. Лойиҳанинг 17-моддасида: «Мулкий пай миқдорини аниқлаш, пайлар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби, шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади», дейилган. Ахир ҳозирги кунда пай улушини тақсимлаш тартиби ва шартлари аниқ белгилаб берилган бирор қонун ёки меъёрий ҳужжат йўқ-ку! Ана шу масалага ҳам бўлажак қонунда аниқлик киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Асқарбек ҚОСИМОВ,**
**Тошкент вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бўлим бошлиғи.**


УШБУ СОНДА

ҚОНУН ВА ИЖРО
ҚАРС икки қўлдан
2-бет



ЭНДИ СОҲАГА ЭЪТИБОР КУЧАЯДИ
3-бет

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МАРДЛИК УЙҒОНАДИ ДЎМБИРАЛАРДА
4-бет

